

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

№ 1/6 ◊ 2018



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



• ВЕСТНИК НУУз ◊ АСТА NUUZ

...нинг ҳукукий асослари ривожланган ...лар тажрибаси ва миллий кадриятлар ...лари даражасида шаклланди. Шунингдек, Конституция ҳамда қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг фуқаролик ҳаёти ва ҳукукий давлат талаблари даражасидаги ...лари меъёрларини яратди. Жумладан, Конституциясининг 27-моддасидаги «Ҳар ким ўз ... ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашиндан ҳимояланиш ва турар жойи ҳақсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутилган ҳоллардан ва гартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, титув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сузлашувлар сири ошқор қилиши мумкин эмас», 29-моддасидаги «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга», 32-моддасидаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз - ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзида ташкил этиш йўли билан амалга оширилади», 43-моддасидаги «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» [3] каби фуқаролик жамияти қуришнинг демократик кадриятлари ва тамойиллари шаклланишини таъминлайдиган қонун ва қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг келаяжак истиқболларини белгилаб берди.

Демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши энг муҳим омиллардан биридир. Бу ҳақида мамлакат Биринчи Президенти И.А.Каримов бундай деган эди: «Ҳокимият тузулмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бирок ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдигаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустақкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳукукий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади» [4].

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни бекиёсдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 миллионга яқин фуқаролар қасаба уюшмалари фаолиятида, 1 миллионга яқин фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида

жамоатчилик ишларида иштирок этадилар. Шунингдек, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат, ношароит ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар.

Фуқаролар жамоат ташкилотларининг фаолияти воситасида ёки бевосита сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш экан, уларда қуйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлиши кутилди:

- фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки уларнинг сиёсий - ижтимоий фаоллигини уйғоғди ҳаракатга келтиради, бу йўналишда муайян кўрсаткичлар шаклланади. Бундан айниқанда, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий-сиёсий жараёни амалга ошади;

- қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиш олдидан фуқароларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва интилизларининг ҳисобга олинишига тўтки бўлади. Энг асосийси, бу жараёнлар фуқароларнинг сиёсий масъулият руҳини шакллантиради;

- фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини турли жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланишидан қониқиб қолган уларни янада фаоллаштиради; натижада ўзаро манфаатлар қилишуви оқибатида жамиятнинг барқарор бўлишига катта ҳисса қўшилади;

- бу жараёнларда иштирок ҳар бир фуқарога ўзининг англашига, унинг жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллашига қулай шароит яратди, миллий ифтихор туйғуларининг юксалишини таъминлайди;

- давлат ҳокимияти жамиятдаги барча ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини ўз сиёсий қарорларида ифодаланишига эришяда; маъқур қарорлар амалга ошириш натижасида сиёсий ҳокимият янада легитимлашади; давлат органларини, фуқароларни бошқариш, сиёсий қарорларни бажаришни таъминлашга доир жараёнлар ва маъмурий тadbирларни амалга оширишни жамият ҳеч бир зўриқиб қолмас ва ихтиёрий равишда қабул қиладиган; шунингдек, бу фаолият фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланади;

- бу жараёнлар жамиятдаги кўпчилик фуқароларнинг иродасини ифодалашга имкон яратиб, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиш салоҳиятини оширади.

Фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини оширишда уларнинг сиёсат ва ҳокимиятга нисбатан шахсий муносабатларини билдиришлари муҳим аҳамиятга эга маънавий ҳодисадир. Бундай шахсий муносабат инсоннинг ўз фуқаролик бурчининг англаб етган, сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади. Шунинг учун инсоннинг демократик, сиёсий кадриятларга нисбатан муносабатларининг турлича шаклда рўй бериши сиёсий маданиятнинг муҳим тузилишини тавсифлаб беради.

Демак, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан фуқаролар сиёсий онги ва ҳукукий маданияти

даражасига бoғлиқ. Республикада суд-хуқуқ соҳасида олиб бoриладиган ўзгаришлар, амалга ошириладиган демократик жараёнларда ҳам фуқароларнинг сиёсий-хуқуқий фаоллиги муҳим роль ўйнайди.

Шуни ҳам таъкиллаш керакки, сиёсий, хуқуқий маданият аввало оилادا шаклланади. Оилادا дўста қўйилган оқилона тарбиявий муҳит, сиёсий-хуқуқий қўғиқмалар фарзаларнинг маънавий етилган ақли-идроки ва соғлом дунёқараш соҳиб бўлиб зовга етишларида муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлар шуни қўрсатмоқладики, турли нуқуш жанрларнинг ақсарийти қонуний яхши билимай-

диган, хуқуқий онги паст оилادا тарбияланган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

Умуман, сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ҳодисалар ҳақидаги қадриятларга доир тасаввурлари ва унинг амалиётида намойиш бўладиган қўғиқнинг ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатида фаолиятининг қўғиқшиши. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намойиш қилади. Шунингдек, у инсондаги фикрлаш ва амалий фаолият меъёрларини жамият маданияти, деб тан оладиган субъективлигини қанчалик даражада ошира олганлиги ҳамдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Мустақимлик, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Шарқ, 1998. 225-б.
2. Аристотель. Соч., в 4-х т. – М.: Мысль, 1984, с.63.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон 2016, 10-14 бетлар.
4. Қаримов, И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳаёқсийликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тартиққий қўғиқмалари – Т.: Ўзбекистон, 1997. 173-174-бетлар.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещены своеобразные особенности политической активность гражданина.

Ключевые слова: граждaн, граждaнн, граждaнское общество, граждaнское ответственность, граждaнская права и свобода, политический активность.

RESUME

This article highlights the peculiar features of the political activity of a citizen.

Keywords: citizens, citizens, civil society, civil liability, civil rights and freedom, political activity.